



O'zbekiston Respublikasi  
IV nashri

ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҶУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

**POSTDA**



Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan • E-mail: postda@umail.uz • 2015-yil 20-iyun, shanba • № 25(4126)

Олтин ёз – ўтмоқда соз!

## ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОР МАСКАН



Ёз фасли ҳаммадан  
кўра фарзандларимизга  
битмас-туганмас шодлик ва қувонч  
олиб келиши, шубҳасиз. Чунки  
мактаблардаги дарслар, уй вазифа-  
ларидан озод бўлган болалар бу  
фаслда уч ойлик таътилга чиқиб,  
мириқиб ўйнашади, дилдан  
яирашади.



Табиийки, ёз мавсумида мамлакатимизнинг энг сўлим гўшаларида жой-  
лашган болалар соғломлаштириш оромгоҳлари уларнинг орзуласини рёёбга  
чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Республика Ички ишлар вазирлигига  
қарашли Тошкент вилояти Бўстонлик туманида жойлашган «Оқтош» бола-  
лар соғломлаштириш оромгоҳи юртимизнинг турли бурчакларидан келган  
болажонлар билан гавжум. Бу ерда болалар нафақат жисмоний жиҳатдан  
чиниқади, балки билими мустаҳкамланиб, маънавияти ҳам бойитилади. Улар  
сўлим ва хушманзара табиат кўйнида, тоғ ёнбағрида жойлашган гўзал ва  
баҳаво масканда ҳордик чиқаришдан ташқари, тенгдошлари билан дўстла-  
шиб, ўзаро фикр алмашмоқдалар.

(Давоми 4-бетда).

▼ Профилактика хизмати

## ДОИМО ОДАМЛАР ОРАСИДА

Капитан Дониёр Чўллиев ички ишлар идо-  
раларида 1996 йилдан бери фаолият кўрса-  
тиб келмоқда. Унинг хизмат фаолияти асо-  
сан Олот тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш  
бўлинмаси ҳамда вилоят ИИБ ҳузуридаги  
қўриқлаш бошқармасида кечди. 2010 йили  
Олот тумани ИИБ ҲООГ профилактика ин-  
спектори вазифасига тайинлангач, қисқа вақт  
ичида тажрибасини ошириб, ҳамкаслари  
ҳамда раҳбарият назарига тушди.

Мана, икки йилдирки, капитан Д. Чўллиев  
Олот шаҳридаги 175-милиция таянч пунктида фаолият  
кўрсатмоқда. Аҳоли асосан турли ташкилотларда, муас-  
сасаларда ишлайди, тадбиркорлик билан шугулланади.  
Худудда кўплаб кичик бизнес шохобчалари, бичиш-тиши  
цехлари, гўзаллик салони, ёшларнинг спортга ошно  
бўлиб камолга етишини таъминлаш мақсадида спорт  
майдончалари ташкил этилган. Бундан ташқари, кексаларни  
эъзозлаш йўлида ҳам ибратли ишлар амалга оширилти.  
Профилактика инспектори шахсан ўз ташаббу-

си билан кўчабошилар ҳамкорлигига маҳаллалардаги  
кексаларнинг ҳолидан хабар олиши йўлга кўйган. Ёрдам-  
га муҳтожларига қўлидан келганча кўмаклашади, қурби  
етмаганларга эса ташкилотлар ва маҳалла фаолларини  
жалб этади.

Худудда жамоат тартибини сақлашда профилактика  
инспектори, капитан Дониёр Чўллиевга маҳалла фуқаролар  
йигинлари раислари, маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахло-  
кий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчilar, шу-  
нингдек, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси вакилла-



ри яқиндан ёрдам бериб ке-  
лишяпти. Улар билан ҳам-  
корликда кенг кўламли про-  
филактик ишлар олиб  
борилаётгани яхши самара  
бераётir.

— Дониёр хушмуомалили-  
ги, фуқаролар кўнглига йўл  
топа олиши, керак бўлганда,  
қатъиятлилиги билан кўпчи-  
ликнинг ҳурмат ва ишончини  
қозонди, — дейди «Наврўз»

маҳалла фуқаролар йигини  
раиси Отажон Қандимов. —  
Шунинг учун ҳам унга ҳар қандай  
масала бўйича тортин-  
май мурожаат қилишади. За-  
тур бўлса йўл-йўриқ, масла-  
хат олишади.

Капитан Д. Чўллиев куну  
тун ҳалқ орасида. Нафақада-  
ги подполковниклар Шавкат  
Нуриллаев, Барот Болтаев ва  
нафақадаги майор Норкул

Болтаевдан ўргангандарини  
хизматда самарали қўллаб  
келмоқда. Аҳолининг кўплаб  
муаммолари жойида ҳал  
бўлаётгани ҳам унга бўлган  
ишончини ошироқмода.

Мирзоқул АҲАДОВ.

Бухоро вилояти.

Суратда: капитан Дониёр Чўллиев  
маҳалла болалари билан сұхбатла-  
моқда.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

У  
Ш  
Б  
У  
С  
О  
Н  
Д  
А

ЎРИМ-ЙИГИМ АВЖИДА  
4-бет



7-бет  
ЗАМОНАВИЙ  
ТЕХНИКАНИНГ  
АФЗАЛЛИГИ



КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ  
ЧУЛҒ ҚАДРИЯТ



8-бет  
11-бет

СИФАТИ  
КАФОЛАТЛАНМАГАН  
ОЗИҚ-ОВҚАТ



ЗЎРАВОННИНГ  
ТАВБАСИ ЎТМАДИ  
13-бет



# ХОРДИК

Дам олиш саҳифаси

Ривоят

## ПАША ВА АСАЛАРИ

Бир донишманддан одамлар феъл-авторига кўра неча тоифага бўлинини сўрашибди. У бир оз ўйланиб туриб, шундай жавоб бериди:

— Ҳаётйи кузатишларимдан шу нарсага амин бўлдимки, бу дунёда одамлар икки тоифага бўлинар экан. Биринчи тоифа бамисоли пашшага ўхшайди. Пашшанинг одати шундайки, у албатта ахлатга қўнади.

Тасаввур қилинг: гуллаб-яшиаб ётган боғ. Унинг бир бурчагида жиндаккина гўнг ётибди. Гуллар чамандай очилиб ётган ана шу боққа кирган пашша бирорта ҳам гулга қўнмай, айнан ўша гўнгга бориб қўнади. Паш-

шага ўхшаган одамлар ҳам бу ҳаётда фақат салбий жиҳатларни кўришади, гўзалликларга эса кўз юмишади.

Иккинчи тоифага мансуб одамлар асалари ўхшашади. Масалан, ҳамма ёғи ифлос бўлган хонага бир тувакда гул кўйсангиз, шу хонага кирган асалари учб бориб, ўша гулга қўнади. Унга ўхшаган одамлар ҳам ҳадеб ношукурлик қиласдан, биринчи галда ҳаётнинг яхши томонларини кўришади. Улар билан ҳамсұхбат бўлсангиз, ҳаётга муҳаббатингиз ортади, эзгу ишлар қилингиз қелади. Ўзингизнинг қайси тоифага мансублигинизни эса ўйлаб қўриб, ўзингиз ҳал қилинг.

### БИЛАСИЗМИ?

- ▶ Кузатишлардан маълум бўлишича, 95 фоиз одам аввал пайпокни чап оёқка, кейин ўнгизади.
- ▶ Машхур ихтирочи ва рассом Леонардо да Винчи Мона Лиззанинг лабини 12 йил мобайнида чизган экан.
- ▶ Бир йилда 31 536 000 сония бор.
- ▶ 1 111 111 ни 1 111 111 га кўпайтира 1234567654321 сони ҳосил бўлади.
- ▶ Инсоннинг ҳар бир бармоғи умр да-

вомида ўртача 25 миллион марта букилар экан.

▶ Агар Куёш сўниб қолса, Ер 8 дақиқаю 20 сонияда йўқ бўлиб кетади.

▶ Одамлар умри давомида светофорнинг яшил чирофини кутишга жами бўлиб икки ҳафтада вакт кетказади.

▶ «Титаник» ҳалокат пайтида SOS ёрдам сигналидан фойдаланган биринчи кемадир.



Ёз таровати

Ўрикнинг шохи эгилиб, том устига тегиб қолибди. Тун бўйи шамолда томни тимдалаб, гичир-ғичири асабни бузиб чиқди. Айвонда ухлаб ётган Ихтиёрга унинг овози худди бошини тимдлаётгандек туюларди.

Тонггача у ёқдан, бу ёққа ағдарилиб, уйқуси беҳаловат бўлган Ихтиёр эрталаб ишга жўнашдан олдин ўша шоҳни кесиб ташламоқчи бўлди. Аррани олиб томга чиқди-ю, кесиш учун куляйроқ жой излай бошлади. Тепадан қўшни ҳовлига назар ташларкан, нима мақсадда томга чиққанини ҳам унутди: қизил кўйлакли бир қиз у томонга кулиб қараб, сўнг юзини терс буриб олди. Ҳойнаҳой сигир соққан бўлса керак, кўлида чепак билан молхона томондан келарди. Ихтиёр унинг юзини аниқ кўра олмади. Бироқ жилмайиб қўйганини аниқ сезди. Ўрик шоҳини кесишини эса эртага қолдириб пастга тушди.

Кун бўйи ишга кўли бормай хаёл сурб юрди, қизнинг чехраси кўз ўнгидан кетмас, лекин ким бўлди экан? Кўшни келиннинг икки кун аввал туғуруқхонага кетганини, бу уйда бошқа хотин-қиз йўқлигини биларди. Келиннинг синглисимикан? Қиз-

## ҚИЗИЛ КЎЙЛАКЛИ ҚИЗ

### Хажвия

нинг бир жилмайиб, кейин терс ўгирилиб олгани Ихтиёрга қандайдир эркаланишдек туюлаверарди. Унинг юрагини жизиллатган ҳам шу биргина ҳаракат эди. «Келиннинг кийимларини кийиб, рўмолини ҳам ўраб олиди. Демак, унинг синглиси бўлса керак. Опаси йўқлигига жиянларига қараб туриш учун келган», дея ҳаёл сурди Ихтиёр.

Ёши йигирма бешга киргач, Ихтиёрнинг отонаси уйлантириш тараддудига тушиб қолишиди. Аввал ўқиши, сўнгра иш билан овора бўлиб бирортасини кўз остига ҳам олмаган йигитга қиз топиш осон бўлмасди. Аммо қандай бўлмасин, шу қиз билан бир гаплашиши керак. Ихтиёрнинг боши қотди. Уни яхши танимаса, яқинидан кўрмаган бўлса? Нега фақат уни ўйлайдиган бўлиб қолди экан? Кечга яқин ишдан қайтиб яна томга чиқди, бироқ кўшни ҳовлида куймаланиб юрган Мирпўлатдан бошқа ҳеч ким кўринмади.

Бир неча кундан бери келин топиш умидида юрган ота-она ўғлининг фалатирок бўлиб қолганини сезиб оғзини пойлашди. Бироқ бурчак-бурчакка бориб ҳаёл сурётганди, ҳар замонда ўз-



ўзидан жилмайиб кўяётган Ихтиёр бу ҳақда бирорвога кўнгил очишини хоҳламасди.

Кечқурун у ширин ҳаёллар оғушида жилмайиб ўрнига чўзилди. Сармаст юрган йигитга энди ўша ўрик шоҳининг томга тегиб ғичир-

лаши ҳам ёқимли мусиқадай эшитила бошлиди. Ахир, шу эмасми, кун бўйи унинг баҳтили юришига сабабчи бўлган.

Эрталаб уйкудан жилмайиб уйғонган йи-

Ихтиёр унинг хаттиҳаракатини кузатар экан, келин бўлиб сигир соғаётганини тасаввур қилиб, ширин энтиқди. Айниқса, унинг кечаги жилмайиб қўйиши жуда ёқкан эди. Чунки ҳали ҳеч бир қиз унга бундай боқмаган эди-да.

Қиз сигирни соғиб бўлгач, ошхона томонга кета бошлади. Ихтиёр ҳам томдан унга

кўз тикиб турганини билдириш учун томоқ кириб қўйди. Қиз у томонга кўз қирини ташлади-ю, бир кўли билан юзини яшириб олди. Шу тариқа тез-тез юриб ошхонага кириб кетди. Ихтиёрнинг қалби баттар ёна бошлади. Томда анча вақт термулиб ўтириди, бироқ қизил кўйлакли қиз ошхонадан қайтиб чиқмади.

Шу куни Ихтиёр ишдан кайтгач, ўткирроқ арра сўраш баҳонасида Мирпўлатнинг уйига чиқди.

— Ака, икки кундан буён томдаги шоҳни кесмоқчи бўлламан, аммо аррам ўтмаслик қиляпти, — деди у ҳовлига олазарак кўз юргутириб.

— Икки кундан бери томда нима қиляпти бу дея, ўзим ҳам ўйлагандим, — деди Мирпўлат айёrona жилмайиб.

Бу гапдан Ихтиёрнинг юзи қизариб кетди. Демак, сезибди-да, ўйлади ичидা.

— Келиннинг тугурукхонага кетгандан бери мен ҳам анча қийналяпман, ука, — деди Мирпўлат худди унинг муддаосини пайқагандек. — Шунга кечаги жилмайиб қўрган ҳолатларни бирорвога айтиб, кулиб юрмагин тагин!

— Қайси ҳолатни айт япсиз, — деди Ихтиёр ҳайрон бўлиб.

— Сигир келиннингдан бошқа бирорвога соғдирмайди, унга жуда ўрганиб қолган, — деди Мирпўлат хижолатомуз жилмайиб. — Шунинг учун унинг кийимини кийиб, рўмолини ўраб олсан, индамай турди жонивор. Сен томдан кўрганингдан бери маҳаллада айтиб кулмасайди, деб хижолат бўлиб юргандим.

Ихтиёрнинг устидан бирор муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. Мирпўлат ичкаридан аррани олиб чиққанида йигит йўқлигини кўриб ҳайрон қолди. Бирордан сўнг эса қўшни томдан тарс-тарс қилиб болтанинг товуши эшитила бошлади...

**Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,  
сержант.**

O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
IIIV BIRLASHGAN  
TAHRIRIYATI

MUASSIS:  
O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
ICHKI ISHLAR  
VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinnbosari –  
**Qobiljon SHOKIROV**  
Mas'ul kotib v.b. –  
**Zokir BOLTAYEV**  
Navbatchi –  
**Foziljon MAMASHARIPOV**  
Sahifalovchi –  
**Rustam ISOQULOV**  
Matn ko'chiruvchi –  
**Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:**  
231-33-88;  
**Faks:** 255-31-39.  
ISSN 2010-5355

9772010535001

Tahririyat  
hisob raqami  
20210000900447980001,  
MFO 00420.  
ATIB  
«Ipotekabank»  
Mirobod  
tuman bo'limi.  
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma  
va suratlар egasiga qaytarilmaydi.  
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Postda»dan olinganligi  
ko'rsatilishi shart.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa  
ijodiy uyi bosmaxonasida chop  
etildi. Korxona manzili: Alisher  
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga  
olining. Buyurtma №S-3219. Bosilish – ofset usulida.  
Hajmi – 4 bosma taboq. 69931 nuxsada chop etildi.  
Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar  
uchun – 366. Bosishga topshirildi – 18.00. Bahosi kelishilgan narxa.

**MANZILIMIZ: 100070, Toshkent,  
Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi, 1-uy.**